

РЕНОВАЦИЯ ДАСТУРИ АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 апрель куни шаҳарсозлик реновациясининг ҳуқуқий асосларини белгилаш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз аҳолиси 6 миллионга кўпайди. Шу даврда ярим миллионга яқин хонадонлар барпо этилди. Жумладан, ўтган йили 100 минг хонадондан иборат кўп қаватли уй қурилган бўлса, бу йил янада кўп — 130 мингдан ортиқ хонадонлар режа қилинган.

Яқин йилларда аҳолимиз сони 40 миллион нафарга етиши кутилмоқда. Бундай ўсишда йилга 140 — 150 минг хонадонга талаб пайдо бўлади. Бу ҳар йили қўшимча 2 минг гектар ер керак дегани. Лекин ер майдонлари ҳам чекланган.

Бундай ҳолатда реновация дастури қўл келади. Масалан, республикада 17 мингта 2-3 қаватли эски уйлар бор. Улардаги шароит, муҳит бугунги замонга муносиб эмас. Электр, газ, сув ва бошқа инфратузилмалар эскирган, кўпларида оқова тармоғи ҳам йўқ.

Шуларнинг ўрнида замонавий уйлар қурилса, ҳозиргидан 3 баробар кўп аҳоли жойлашади. Асосийси, хонадонларда янги коммуникация, иссиқ ва совуқ сув, оқова тармоғи бўлади. Одамлар озода, шинам ва файлиш шароитларда яшайди. Бу орқали минглаб oilаларнинг турмуш даражаси ўсади, муҳими, улар ушбу шароитларни илк бор ўзлари ўсиб-ўлғайган жойда ҳис этишни бошлайди.

Яна бир муҳим томони — энергия тежамкорлик масаласи. Тураржойлар яхлит бўлса, инфратузилма тармоқлари, энергия ҳам сарфланади.

Ҳозиргача бу борада ягона ҳужжат йўқ эди. Шу боис хорижий тажриба асосида “Шаҳарсозлик реновацияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тақдимотда реновация тизимининг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий томонлари кўриб чиқилди.

Бундай дастурлар 3 босқичда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Аввал, шаҳар ва туманларда реновацияга мос ҳудуд танланиб, лойиҳа ишлаб чиқилади. Мулкдорларга янги уй ёки компенсациялар тақдиф қилинади. Барча мулкдорлар билан келишувлар яккама-якка, нотариал тартибда тасдиқланади. Лойиҳалар учун ҳар бир ҳудудда реновация жамғармалари ташкил этилади.

Иккинчи босқичда реновация дастури ҳудудий ва республика кенгашлари томонидан кўриб чиқилиб, қурилиш ташкилини аниқланади. Учинчи босқичда уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Реновацияга тушган ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ҳам ошади. Янги уйларнинг 1 ва 2-қаватларида савдо, хизмат кўрсатиш ва кичик ишлаб чиқаришлар бўлади. Шунингдек, бу тизим орқали 20 минг гектар ер тежаланиш ҳисоб-китоб қилинган.

Хусусан, биринчи босқичда реновация асосида 20 минг хонадон қурилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бундай лойиҳаларни, аввало, у ерда яшовчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тизимли ва адолатли амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда мутасаддилар, туман ҳокимлари ва уларнинг тегишли ўринбосарлари реновация тартиб-қоидалари ва ишни тўғри ташкил қилиш чоралари бўйича қўшимча ўқитилиши айtilди.

Реновация ҳудудларини инфратузилма билан таъминлаш, девелопер ва қурувчи ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё тараққиёт банкини таъсис этиш ҳақидаги Битимга (Остона, 2006 йил 12 январь) қўшилиши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил 21 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 18 мартда маъқулланган

Евроосиё тараққиёт банкини таъсис этиш ҳақидаги Битимга (Остона, 2006 йил 12 январь) қўшилисин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 9 апрель
№ УРҚ—1052

МАВЖУД ИМКОНияТЛАрдан ТўЛА ФойДАЛаниш – МУВАФФАқияТ КАФОЛАТИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 апрель куни ҳудудларнинг туризм салоҳиятини ошириш, хорижий инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг туризм экспорти 1,6 карра ошиб, 3 миллиард 500 миллион долларга етди, бу соҳада 2 мингдан ортиқ янги тадбиркорлар иш бошлади. Ўтган йили хорижий сайёҳлар ташрифи илк бор 10 миллиондан ошди.

Ҳудудларда туризм ва сервис инфратузилмаси жуда тез ривожланипти. Хусусан, ўтган 8 йилда 6 миллиард 500 миллион доллар сармоа киритилиб, 130 мингта меҳмон ўрни очилган.

Бугунги кунда 20 та туризм қишлоғи фаолият юритапти. Паркент туманининг “Олтин бел” чўққисида халқаро даражадаги янги тоғчанги зонаси барпо этиляпти.

Аслида юртимиз тарихи, маданияти ва табиғати асосланиб, сайёҳлари яна 2-3 карра кўпайтириш мумкин. Лекин айрим ҳудудларда йўл ва транспорт ноқулайлиги, кўнгилочар жойлар ва қизқарли дастурлар етишмаслиги каби камчиликлар бор.

Шу боис йиғилишда жойлардаги имкониятларни юзага чиқариб, туризм йўналишларини кўпайтириш, сайёҳларга шароитларни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Масалан, Сарийосиё туманининг асосий қисми тоғлардан иборат бўлиб, қишки туризм учун катта салоҳият мавжуд. У ерда дор йўли, меҳмонхона ва савдо-сервис хизматлари соҳасида 200 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Чортоқ тумани ҳам ўзгал табиати, шифобахш суви билан машҳур.

Мутасаддиларга шу каби 36 та туман ва шаҳарни этно, гастрономик, тиббий, экстремал, маданий-тарихий, зиёрат, қишки ва агротуризм асосида ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Бугунги кунда “BBC”, “Euronews” каби нуфузли телеканалларда 20 дан ортиқ халқаро кўргазмаларда Ўзбекистонга саёҳат кенг тарғиб қилинмоқда. Виза тартиблари

соддалаштириляпти, замонавий самолётлар олиб келиняпти.

Бу имкониятлардан фойдаланиб соҳадаги салоҳиятли бозорлардан сайёҳларни жалб қилиш, тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Айни пайтда Миллий туризм ягона платформаси ишлаб чиқилмоқда. Энди унга электрон виза бериш, чипта олиш жараёнлари ҳам уланади. Шунингдек, барча тарихий обидаларга кириш имконини берадиган ягона туристик карта жорий қилинади.

Сўнгги йилларда ички туризмга эътибор кучайгани учун маҳаллий сайёҳлар сони 23 миллионга етди. Лекин ҳалигача бошқа вилоятларга саёҳатга бормаганлар кўп топилади.

Шу боис энди ҳар ойнинг бир шанба-якшанбаси “оила ва жамоа билан саёҳатга чиқиш кунин” деб эълон қилинади. Ёшлар ўртасидаги мусобақа голибларига Ўзбекистон бўйлаб саёҳат йўлланмаси совға қилинади.

Соҳадаги яна бир йўналиш — маданий мерос объектлари. Охириги 4 йилда 327 та шундай мажмуа реставрация ва консервация қилинди. Ҳозир яна 485 та объект таъмирталаб.

Бу ишларга хусусий секторни жалб этиб, бизнес лойиҳа қилиш мумкинлиги айtilди. Маданий мерос объектларини ижарага беришни такомиллаштириш, уларга тушумларни рақамлаштириш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Туризм бўйича олий таълим муддати 4 йилдан 3 йилга камайтирилиб, дуал тизимга ўтказилди. Энди бунинг давоми сифатида, талабаларни амалиёт ва ишлаш учун хорижга юбориш яхши самара беради.

Умуман, бундай имкониятлар эвазига бу йил 15 миллион туристни жалб қилиш ва экспортни 4 миллиард долларга етказиш мумкинлиги қайд этилди.

Йиғилиш кун тартибидagi иккинчи масала — хорижий давлатлар билан ҳамкорлик-

даги инвестициявий лойиҳалар таҳлили бўлди.

Бу йил биринчи чоракнинг ўзида Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Кувайт ва Францияга ташрифлар чоғида 39 миллиард долларлик 178 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Яқинда Самарқандда ўтган саммитда Европа Иттифоқи Марказий Осиёга 12 миллиард евро ажратишини маълум қилди.

Мамлакатимизда 2025 йилда 42 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиш кўзда тутилган. 81 та йирик, 8 мингдан ортиқ ўрта ва кичик лойиҳалар амалга оширилиши, донор ташкилотлардан 2 миллиард доллар грант ҳамда банклар томонидан 6 миллиард доллар жалб қилиниши белгиланган.

Йиғилишда бу борадаги имкониятлар ҳудудлар ва ҳамкор мамлакатлар кесимида таҳлил қилинди.

Масалан, илгари инвестор бормаган, темир йўл ёки магистраль йўл ҳам ўтмаган Олтинсой туманида 100 миллион долларлик 3 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Ёки Қўшработда гранит тош қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича 75 миллион долларлик 2 та янги лойиҳа бошланган. Изланса, бундай имкониятлар ҳар бир ҳудудда бор.

Ўтган ойда Лондонда “Ўзбекистон инвесторлари кунин” ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида 2 миллиард 770 миллион доллар жалб қилиш бўйича келишувга эришилди. Бундай тадбирларни Нью-Йорк, Сингапур, Гонконг, Дубай, Шанхай, Токио, Истанбул каби бизнес марказларида ҳам ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Хусусийлаштиришга оид катта дастур ишлаб чиқилмоқда. Унга кўра 49 та корхонадаги давлат улуши халқаро бозорда сотилиши, 15 та йирик давлат корхонаси евробонд чиқариши мўлжалланган. Булар ҳам хорижий инвестицияларни жалб этиш учун улкан имконият.

Шу ойда Жиззахда, июнда эса Тошкент шаҳрида халқаро инвестиция форумлари ўтказилади. Уларда инвесторларга тақдим қилинадиган лойиҳалар жамламасини пухта шакллантириш зарур.

Халқаро молия институтлари билан янги-ча тизимда ишланаётгани туфайли йил бошидан буён 706 миллион доллар ўзлаштирилди. Иссиқлик станциялари, ҳудудий электр тармоқлари, қишлоқ ҳўжалиги, автйўл ва темир йўл тизимларидаги лойиҳалар анча олдинга силжиди.

Лекин вақтида бажарилмаган ёки асоссиз чўзилаётган ҳолатлар ҳам бор. Бундан кейин тайёр лойиҳага ўзгартириш киритиш фақат Ҳукумат доирасида кўриб чиқилиши, қўшимча ишлар лойиҳа тугагач тежалган маблағ ҳисобидан бажарилиши таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирда халқаро молия ташкилотлари билан энергетика, транспорт, аграр, коммунал ва ижтимоий соҳаларда 20 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Чет эллик шериклар мамлакатимиздаги ислохотларни қўллаб-қувватляпти.

Жумладан, ўтган ойларида Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Франция ривожланиш агентлиги, Ислом тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги вакиллари Қорақалпоғистон, Андижон, Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарёга бориб 200 га яқин тадбиркорлар билан ишлади. Қисқа вақт ичида 1,5 миллиард долларлик лойиҳаларни молиялаштиришга келишилди.

Бош вазир ўринбосарига бу амалиётни тизимга айлантириб, бошқа ҳудудларда ҳам яна камиди 3 миллиард долларлик лойиҳалар шакллантириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар, хорижий давлатлардаги элчилар ва соҳадаги тадбиркорларнинг таклифлари эшитилди.

ЎзА.

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

глобал ижтимоий тараққиёт ва адолат учун «Йўл харитаси» бўлиб хизмат қилади

Кеча Тошкентда Парламентлараро Иттифокнинг 150-йубилей ассамблеяси доирасидаги сўнгги тадбирлар бўлиб ўтди.



резолюция лойиҳаси гендер тенглиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилган.

Сессия ишида “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик” кун тартибига мувофиқ ижтимоий адолатга ва ҳам-жиҳатликда ҳаёт кеңиришга асосланган жамият қуришда ва албатта, низоларни ҳал этишда аёллар ҳал қилувчи роль ўйнаши парламентлар томонидан эътироф этилиши зарурлигига иштирокчилар эътибори қаратилди.

Бундан ташқари, тадбирда Ўзбекистон иқтисодиёт ва молия вазир

Норбоева Бошқарув кенгаши аъзоларига ўзи раислик қилган Парламент аёл аъзолари форумининг 39-сессияси хусусида батафсил маълумот берди. Хусусан, сессияда ассамблея доирасида доимий кўмиталар муҳокама қилган иккита

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар



Бугун ўттиз етти миллиондан ошiq халқимиз юрагига жўш ураётган “Янги Ўзбекистон” тушунчаси — миллат келажагига қўйилган гоёвий нарвон...

Хоразмда нарвонни “занги” дейишади. До-нишманд оталаримиз, заковатли момоларимиз: “Зангининг дишина (пиллапоя)сига бир-бирдан, остон-остон (секин-секин) чиқасан”, деб ўргатган. Алаҳхусус, кейинги етти-саккиз йилда Президентимиз томонидан барча соҳада амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар, оламшумул ўзгаришлар, улугвор бунёдкорликлар туфайли биз бу нарвоннинг анча баланд пилла-поясига кўтарилиб қўйдик. Бу янгиланишларни кўриб, кузатиб, ҳар биримиз янада тўлқинла-намиз. Тилимизга беихтиёр Алишер Навоий бо-бомизнинг машҳур ғазалидан иқтибос келади: “аввалгиларга ўхшамас...” Ҳа, бизга насиб эт-

ган бу замонлар, бу давронлар асло аввалги-ларга ўхшамайди...

Улуғ аллома Абу Наср Форобий: “Давлат-нинг вазифаси одамларни бахт-саодатга етказишдир”, деб ёзган. Бугун юртимизда халқнинг розилиги, инсоннинг қадри, манфаати учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар замирида ана шу фалсафани, ҳикматни туямиз. Не бахтки, Форобий каби буюк аҳдодларимиз орзу қилганидек, янги Ўзбекистонда давлат ўз фуқаролари-нинг бош ҳомийси, биринчи гaмхўрига айлан-ди. Ҳаётига қувонч бериб, бахт-саодат сари етаклашга тушди...

Мана, қаранг, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат”, “Аввало инсон, кейин жамият ва дав-лат...”, “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисо-

диёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятидир”, “Ўзбекистонда маърифатли жамият яратамиз”. Президентимиз томонидан илгари сурилган бу ҳаётбахш гоёлар бугун мамлакатимиз раванқининг янги даврида стратегик мақсадларни белгилаб бермоқ-да. Тарихда ҳам, бугунги кунда дунё давлатларида ҳам та-раққиётнинг бундай гоёвий ўзаги учрамайди. Бу ўзакнинг ҳар бир бўғинини, биз кўтари-лаётган ҳар пиллапояни таҳлил ва тасниф қилишга кундалик ҳаёти-мизда, хусусан, янги Ўзбекистон бағ-рида янгиланаётган Хоразм мисолида ҳам далиллар беҳисоб...



ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

глобал ижтимоий тараққиёт ва адолат учун «Йўл харитаси» бўлиб хизмат қилади



Шунингдек, 39-сессияда гендер тенглик ва аёлларнинг сиёсий етакчилиги имкониятларини кенгайтиришда парламент аёл аъзоларининг глобал ва минтақавий тармоқлари ролини кучайтириш бўйича ўзаро тажриба алмашилди.

Хусусан, гендер тенглик ва аёлларнинг сиёсий етакчилиги имкониятларини кенгайтиришда парламент аёл аъзоларининг глобал ва минтақавий тармоқлари ролини кучайтириш бўйича ўзаро тажриба алмашилгани, бу борада ҳамкорлики янада мустаҳкамлашга, тармоқлар ўртасидаги шерикликини институционаллаштиришга ҳамда минтақалараро ҳамкорликини янада кенгайтиришга келишиб олингани таъкидлаб ўтилди.

Т. Норбоева “Гендер тенгликка эришамиз: ҳаракатлар кетидан ҳаракатлар” шiori остида 10 та ҳаракатдан иборат янги кампания эълон қилинган ҳақида айтиб, барчани Парламентлараро Иттифокнинг янги гендер тенглик тарғиботи кампаниясига қўшилишга ва ўз мамлакатида ушбу жараёнга етакчилик қилишга чакирди.

Кунинг иккинчи ярмида ассамблея доирасида “Болаларга нисбатан зўравонлиқни бартараф этиш: жаҳон ташаббуслари ва Ўзбекистоннинг истиқболдаги имкониятлари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан БМТнинг Ўзбекистондаги Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Олий Мажлис Сенати билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда қонунчилиқни такомиллаштириш, таъсирчан ҳимоя механизмларини жорий этиш, “Барқарор ривожланиш мақсадлари — 2030” доирасида миллий стратегиялар ва давлат дас-

турларини амалга ошириш, шунингдек, болаларга нисбатан зўравонликка барҳам беришга қаратилган “Богота ҳаракатлар қақруви” глобал ташаббусига Ўзбекистоннинг қўшилиши каби мавзулар муҳокама қилинди.

Давра суҳбати давомида Ўзбекистон дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларини бирлаштирган, болаларга нисбатан зўравонлиқнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш бўйича аниқ кун тартибининг тақлиф қилаётган Богота ҳаракатлар қақрувиغا содиқлигини расман тасдиқлади.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзида болалар учун хавфсиз муҳит яратмасдан туриб, мамлакатни барқарор ривожлантириш мумкин эмаслигини, бугунги мулоқот шунчаки фикр алмашиш эмас, балки жамоавий масъулият ифодаси эканлигини, болаларни ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш орқали бутун жамиятнинг келажаги мустаҳкамланишини таъкидлади.

Ўзбекистон Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Шахноза Мирзиёева ўз нутқида Богота қақрувиغا қўшилиш — бу жамият ва халқро ҳамкорлар учун аниқ белги бўлиб, биз тизимли ўзгаришларга тайёр эканлигимизни таъкидлади. “Ўзбекистонда ҳар бир бола ўзини хавфсиз ҳис қилиши ва унинг овози эшитилиши керак. Ва айнан биз, катталар, давлат институтлари, халқро ташкилотлар ва жамият бу ҳуқуқнинг фақат қозғода эмас, балки амалда ҳимоя қилиниши учун масъулмиз”, деди Ш. Мирзиёева. Шунингдек, тадбирда самарали ҳимоя тизimini яратиш секторлараро ёндашуви ва болалар ҳамда оилаларни қўллаб-қувватлаш, хизматлар ва маълумотлардан реал фойдаланишни талаб этиши таъкидланди.

БМТ Бош котибининг махсус вакили

Нажат Маала ўз нутқида Ўзбекистоннинг халқро миқёсда эътирофга сазовор бўлган хавфсиз муҳитни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади ва бу жасорат, қатъиятлик ва ҳамжиҳатлиқни талаб қиладиган йўл эканлигини, фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳар бир мамлакатда, ҳар бир уйда, ҳар бир мактабда болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш мумкинлигини билдирди.

Шунингдек, у Ўзбекистоннинг болаларни ҳимоя қилиш борасидаги сиёсий иродаси ва аниқ қадамлари учун миннатдорлик билдирди: “Богота қақруви шунчаки ташаббус эмас, балки глобал мажбуриятдир. Ва мен Ўзбекистон уни амалий ҳаракатлар учун қўлланма сифатида қабул қилаётганини мамнуният билан қўриб турибман. Ҳар бир болани ҳимоя қилиш — тинчлик, барқарорлик ва инсон кадр-қимматига эришиш йўлидир”.

Давра суҳбати якунлари бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди. Аниқ кўрсаткичлар ва идоралараро амалга ошириш механизмлари келтирилган “Богота ҳаракатлар қақруви” доирасидаги Миллий ҳаракатлар режасини тайёрлаш, қонунчилик асосларини ва болаларнинг зарур хизматлардан фойдаланишини яхшилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, профилактика, жавоб бериш ва реабилитация тизимини мустаҳкамлаш, энг яхши амалиётларни жорий этиш учун халқро ташкилотлар билан ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича устувор йўналишлар шулар жумласидан.

Шу кун Парламентлараро Иттифок 150-йўбилей ассамблеясининг якуний ялпи мажлиси ўтказилди. Унда ассамблея президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева сўзга чиқиб иштирокчиларга чуқур миннатдорлик бил-

дирди. У ўз нутқида мазкур анжуман нафақат тарихий санани нишонлаш билан аҳамиятли бўлгани, балки парламентлараро ҳамкорлиқнинг янги даврини бошлаб берганини қайд этди.

Дарҳақиқат, ушбу тарихий ассамблеяда 130 дан зиёд давлатлардан 1400 га яқин делегатлар, шу жумладан 740 нафар парламент аъзоси, 50 дан ортиқ халқро ва кузатувчи ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Тадбирда 100 дан ортиқ парламент спикерлари ва спикер ўринбосарлари иштирок этгани геосиёсий қарама-қаршилиқлар кучайган бир пайтда парламент дипломатияси анъанавий халқро муносабатларда муҳим ўрин тутишини кўрсатди.

Парламентларнинг аёл аъзолари ассамблея иштирокчиларининг 37 фоизидан ортиғини ташкил этди. Бу 2022 йилдан бери Парламентлараро Иттифок ассамблеясида аёллар иштирокининг энг юқори кўрсаткичидир.

Ассамблея доирасида 70 га яқин турли тадбирлар ўтказилиб, уларда гендер тенглик, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фуқаролар саломатлигини сақлаш, экология ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш каби муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ассамблеянинг махсус ялпи мажлисидаги нутқида илгари сурган муҳим ташаббуслар Иттифок аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

Якуний ялпи мажлисда, шунингдек, Парламентлараро Иттифок Президенти Тулия Эксон ва Бош котиби Мартин Чунгонг ҳам сўзга чиқиб ассамблея дунё парламентларини бир юз эллигини марта бир жойда тўплаган тарихий воқеа сифатида ўзининг аҳамиятини намоён қилгани, Ўзбекистон томонидан барча зарур шарт-шароит яратилганини ва ташкилий ишлар



юқори даражада амалга оширилганини алоҳида эътироф этишди.

Парламентлараро Иттифокнинг 150-йўбилей ассамблеяси якунида Глобал парламент ҳамжамияти ижтимоий тараққиёт ва адолат йўлида парламент ҳаракатларига бағишланган муҳим ҳужжат — Тошкент декларацияси қабул қилинди. Унда ижтимоий тараққиёт борасидаги саъй-ҳаракатларни янгиллаб боришга қаратилган ишлар, мавжуд ва юзага келаётган масалаларга биргаликда ечим топиш зарурлиги таъкидланган. Мазкур декларацияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Парламентлараро Иттифокнинг 150-йўбилей ассамблеясидаги нутқида илгари сурган ташаббуслар қамраб олинган.

Шунингдек, ассамблеяда иккита муҳим резолюция қабул қилинди. “Фаластинда икки давлатли ечимни илгари суришда парламентларнинг роли” резолюциясида давлатимиз раҳбарининг Фаластин инқирози учун ягона ечим “икки халқ учун — икки давлат” таъминли асосидаги Исроил — Фалас-

тин моҳаросини халқро ҳуқуқ асосида тинч йўл билан ҳал қилишда парламентларнинг муҳим роли қайд этилган.

“Барқарор ривожланишга қарши куралиш бўйича парламент стратегиялари” резолюциясида парламентларнинг тинчликни тарғиб қилиш, моҳароларнинг салбий таъсирини юмшатиш, инфратузилмани сақлаб қолиш ва гуманитар таъминотларга риоя этишда тутган роли алоҳида келтирилган.

Ушбу ассамблея Ўзбекистоннинг дунё парламентаризмидаги алоҳида ўрнини намоён этди. Мазкур нуфузли тадбир халқро ҳамжамият мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ислохотларнинг ёрқин самараси эканини яна бир бор тасдиқлади.

Парламентлараро Иттифокнинг 150-йўбилей ассамблеясида қабул қилинган муҳим ҳужжат — Тошкент декларацияси глобал ижтимоий тараққиёт ва адолат учун “Йўл харитаси” бўлиб хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Парламентлараро алоқалар янада кенгаяди

Бир неча кун давомида пойтахтимизда фаолият олиб бораган Парламентлараро Иттифокнинг 150-йўбилей ассамблеяси ўзини якунлади.

Ассамблея доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева хорижий мамлакатлар делегатлари ҳамда парламентлари вакиллари билан бир қатор учрашувлар ўтказди.

Хусусан, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ЕХХТ Парламент Ассамблеяси раиси Пиа Каума билан учрашди.

Унда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ижобий натижалари қайд этилиб, уларнинг халқро стандартлар ва ЕХХТ таъминотлари мувофиқлиги таъкидланди.

Суҳбат асосида глобал миграция жараёнлари шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган чоратадбирлар муҳокама қилинди.

Яқунда ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш, парламент форумларини биргаликда ташкил этиш юзасидан келишувларга эришилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси ўринбосари Лосанг Гялчен билан ҳам учрашди. Мулоқот Хитой делегация-

сининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида бўлиб ўтди.

Суҳбат давомида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик чуқур ва ўзаро манфаатли шериклиқнинг асоси эканлиги таъкидланди. Сўнгги йилларда бу борада фаоллик кузатилаётгани боис ҳамкорлиқни амалий лойиҳалар билан янада бойитиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Қўшма ташаббуслар, шу жумладан, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши ўртасида ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссия тузиш масаласи қўриб чиқилди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан қўшма парламент нозоратини фаоллаштириш, шунингдек, “аши” иктисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича амалий семинарлар ўтказиш тақлифи билдирилди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

Кўп қиррали ва узоқ муддатли муносабатлар изчил ривожланади

Парламентлараро Иттифокнинг 150-йўбилей ассамблеяси доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов бир қатор давлатлар парламентлари делегациялари билан учрашувлар ўтказди.

Жумладан, Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари Лосанг Гялчен бошчилигидаги делегация билан учрашувда кейинги йилларда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари стратегия шериклик даражасига қўтарилгани, икки давлат ўртасидаги муносабатлар янги форматга эга бўлгани, мамлакатларимиз халқро майдонда фаол ва самарали ҳамкорлик қилаётгани алоҳида эътироф этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг сиёсий иродаси ва мунтазамлик касб этган олий даражадаги самарали мулоқотлар мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлиқни янги тарихий чўққиларга кўтариш имконини бергани айтилди.

Ўз навбатида, раис ўринбосари икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги ишончли мулоқотлари ва кенг қўламли алоқаларга Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бутун спектрини ривожлантиришга туртки бўлаётганини таъкидлаб, сўнгги саккиз йилда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳада амал-

га оширилаётган кенг қўламли ислохотлар улкан натижалар бераётганини юқори баҳолади.

Унинг таъкидлашича Хитой Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиқни янада фаоллаштиришдан манфаатдор бўлиб, хусусан, Ўзбекистон билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратади ва фаол ҳамкорликка тайёр.

Меҳмон Парламентлараро Иттифокнинг 150-ассамблеяси ҳақида тўхталар экан, ушбу нуфузли анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг иштироки ва тарихий нутқи парламентлар ишини ривожлантириш, ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш истиқболларини очганини қайд этди.

Конструктив руҳда ўтган мулоқотда икки томонлама ҳамкорлиқни, хусусан, парламентлараро ва халқро парламент ташкилотлари доирасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, парламентлараро дўстлик гуруҳларининг амалий мулоқотини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалаларни ҳам қўриб чиқди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Хиндистон Республикаси парламенти кўйи палатаси — Лок Сабха Спикери Ом Бирла бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Хиндистон Лок Сабҳаси Спикери самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, сўнгги йилларда Ўзбекистон барча соҳада тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйгани, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган мувозанатли, конструктив ва прагматик ташқи сиёсат натижасида Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва яхши қўшилиқнинг янги сиёсий муҳити яратилганини алоҳида эътироф этди.

Меҳмоннинг айтишича ушбу нуфузли анжуманинг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатнинг халқро нуфузи тобора ортиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Самимий ва дўстона руҳда ўтган учрашувда парламентлар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, делегациялар алмашинуви ҳамда норма ижодкорлиги йўналишида тажриба алмашиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Халқларни бир-бирига боғловчи мустақам кўприк

Парламентлараро Иттифокнинг 150-йўбилей ассамблеясида давлатимиз раҳбарининг иштироки ва муҳим ташаббусларини илгари сургани халқро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Мушоҳада

Юртбошимиз ўз сўзида парламентарийлар бамисоли халқларни бир-бирига боғловчи мустақам кўприк қўриги, одамларнинг дарду тавашшини ва муаммоларини энг кўйи тизимдан бошлаб, керак бўлса, минтақавий ва халқро миқёсда олиб чиқишга, уларга самарали ечим топишга қодир бўлган қудратли куч эканлигини алоҳида таъкидлади.

Сир эмас, сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақаларида қуроли тўқнашувлар, экология ва техноген фоҳиалар, иқтисодий инқирозлар, “савдо урешлари”, терроризм ва экстремизм таҳдидлари тобора кучайиб бормоқда. Бундай ўта мураккаб шароитда ҳаёндда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентлар иштироки ва таъсирини кучайтириши замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Вакилли дипломатиясини амалга ошириш, долзарб масалаларни халқлар ва давлатларнинг умумий манфаатлари асосида тизимли ҳал қилишда Парламентлараро Иттифок нуфузли ва энг йирик кўп томонлама институтга айланганини Президентимиз алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон ташаббуси билан “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзусидаги ушбу ассамблея чуқур рамазий маънога эга. Чунки камбағаллик бутун дунё ҳамжамиятини тавашшига солаётган масалалардан биридир. Ҳеч қайси давлат бугунги кунда ўз юртида бирорта ҳам камбағал йўқ, деб айт олмайди.

Таҳлилларга кўра сўнгги ўттиз йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 4,5 баробарга ортган бўлса-да, инсониятнинг камбағал қатламлари даромадлари деярли ўзгармаган. Агар ушбу тенденция сақланиб қолса, 2030 йилга бориб дунё аҳолисининг 575 миллион нафари қашшоқликда умр кечи-ради, 84 миллион бола эса таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Мамлакатимиз камбағалликни қисқартириш борасида ўзига хос улкан тажриба орт-



тирди ва кейинги йилларда сезиларли натижаларга эришди. Конституциямизда “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деб эълон қилиниб, аҳолининг ҳар томонлама ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб бел-гиланди.

Президентимиз ўз чиқишида дунёда юз бераётган турли воқеа ва ҳодисаларга нисбатан Ўзбекистоннинг қатъий позициясини ҳамда тақлифларини билдириб ўтди. Хусусан, жаҳоннинг турли минтақаларидаги низолар глобал ва минтақавий тинчлик ҳамда хавфсизликка жиддий таҳдид солаётганини қайд этиб, Ўзбекистон ҳар қандай эзидийт ва қарама-қаршиликларни фақат дипломатия ҳамда тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдори эканини таъкидлади.

Шунингдек, ҳозирги замоннинг ўткир муаммосига айланган, сайёрамиз тараққиётига жиддий тўсик бўлаётган иқлим ўзгаришлари, хотин-қизлар ҳуқуқларини қатъий қарор топтириш, ёшларнинг парламент фаолияти билан бир қаторда жамият ҳаётининг барча жабҳасида тўлақонли иштирок этиши учун уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорлиқни кучайтириш масалалари ҳам уруғ берилиб, ҳар бир йўналиш бўйича қатор тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Юртимизда ўтказилган ушбу ассамблея ҳаёндда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиб, ижтимоий адолат ва тенгликни таъминлаш ҳамда юксак демократик кадриятларни илгари суришда Парламентлараро Иттифок тарихида ўзига хос янги саҳифа очиб-чи-ишгани.

Жуманазар ОТАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Бугун дунёдаги иқтисодий беқарорлик, геосиёсий кескинлик ва трансмиллий таҳдидлар каби замонавий глобал хаттарлар шароитида парламент дипломатиясига эҳтиёж ортиб бораётгани аини ҳақиқат.

Фикр

Шу боис турли мамлакатларнинг вакилли органлари ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, барқарор ривожланишни рағбатлантириш ва хавфсизликни таъминлаш борасида ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга интилмоқда. Зеро, тажриба алмашинуви, долзарб масалалар бўйича мулоқот, қонунчилик ташаббуслари устида биргаликда ишлаш глобал ва минтақавий му-

аммоларга самарали ечим топиш имконини беради.

Тан олиш керакики, парламентлараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ўз-ўзидан бўладиган жараён эмас. Мамлакатларнинг миллий манфаатлари, сиёсий тизимлар ва ривожланиш даражаларида фарқ конструктив ҳамкорлик учун тўсик яратиши мумкин. Бундан ташқари, баъзи давлатлар ўртасида юзага келаётган зидди-

ятлар учрашув ва музокаралар ўтказишни қийинлаштиради.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқилса, мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган Парламентлараро Иттифокнинг 150-ассамблеяси алоҳида аҳамият касб этиши муқаррар. Бош мавзуси “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” деб номланган ассамблеянинг туркум йиғилишларида меҳнат бозорига тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш ва камбағалликнинг асл сабаблари билан курашиш чоралари муҳокамалар марказида бўлди. Юбилей ассамблеясининг айнан Тошкент шаҳрида ўтказилгани эса Ўзбекистоннинг халқро майдонда конструктив муло-

қот ва ҳамжиҳатлик таъминлашга содиқлигининг намоёнидир.

Бугун Ўзбекистон демократик бошқарув йўлидан дадил одимламоқда. Ушбу нуфузли тузилма эса ўзининг юқори органи ҳисобланган ассамблея йиғилишларини парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси мавжуд бўлган мамлакатларда ўтказиш сир эмас. Бинобарин дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатлари ва 15 та минтақавий парламент бирлашмаларида таширф буюрган 1 400 га яқин иштирокчилар қатнашган Парламентлараро Иттифок ассамблеяси дунё миқёсида катта сиёсий майдон бўлиб, ўзаро тажриба алмашишда долзарб аҳамият касб этди.

Шуҳрат АСПАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Самарқандда 2-Евроосиё тиббиёт конгресси ҳамда 1-Евроосиё ҳамширалар конгресси бўлиб ўтди.

ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ҒУРҮР-ИФТИХОР ТИМСОЛИ

Амир Тему́р бетақро́р шахсия́ти, ибратли ҳаёт йўли, бебаҳо моддий ва маънавий мероси билан халқимизнинг гурур-ифтихорини оширувчи, ғайрат-шижоат бағишловчи, юксак маънавий куч берувчи бекиёс тимсолдир.

Эҳтиром



Улуғ аждодимиз таваллудининг 689 йиллиги муносабати билан 9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Тему́р хибёнида ўтказилган тантанали тadbирда бу жиҳатлар алоҳида таъкидланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси масъуллари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ҳамда жамоат ташкилотларининг ходимлари, ёзувчи ва шоирлар, ҳарбийлар, маданият ва санъат намояндalари, олим ва тадқиқотчилар, талаба-ёшлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эллик меҳмонлар қатнашди.

— Буюк саркарда бобомиз ўзининг бекиёс азму шижоати, жасорати билан ўз дав-

рида халқимизни қарамлик исканжасидан халос этди, мустақил ва қудратли давлатга асос солди, — дейди Халқаро Амир Тему́р хайрия жамоат фонди раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. — Шу билан бирга, Соҳибқирон бунёдкорлик, адолат, инсофу диёнати ўзи учун шior билиб, халқ дарду ташивиши билан яшаган, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси бўлган.

Мамлакатимизда Амир Тему́р ва темурийларнинг миллий давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик ва бошқа соҳалардаги улкан мероси кенг миқёсда ўрганилмоқда. Юртимизда ва хорижда темурийларнинг дунё цивилизацияси раvнақига қўшган улкан ҳиссасига оид кўплаб бадий, публицистик асарлар яратилмоқда, илмий

тадқиқотлар амалга ошириляпти.

Президентимиз ташаббуси билан жойларда “Тему́рбеклар мактаби” фаолияти йўлга қўйилгани ёшларимизни мардлик, азми қатъийлик, жасорат, ватанпарварлик, адолатпарварлик руҳида вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳарбий қисмлар, шу йўналишдаги таълим муассасаларида “Тему́р тузуқлари”нинг ўқитилаётгани Соҳибқирон бобомизга муносиб авлодни тарбиялашга хизмат қиялпти.

Тантанали тadbирда халқаро ҳарбий спорт мусобақалари голиблари, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари Алишоҳ Абдуллаев, Шохруҳ Жовқочев АҚШда ҳарбий хизмат бўйича ўтказилган халқаро мусобақада эришган ютуқлари, ушбу муваффақиятлар замирида мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар учун яратилган шароитлар муржаасм эканини алоҳида қайд этди.

Шахмат бўйича ўзбек аёллари ўртасида биринчи гроссмейстер Нафиса Мўминова соҳибқирон Амир Тему́р ва шахмат мавзусида, шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизлар учун шахматни оммалаштиришга қаратилаётган эътибор, бу борадаги кенг камровли ишларнинг амалий натижалари хусусида батафсил сўзлади.

Соҳибқирон ҳузурига келган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо монологи, ватанпарварлик руҳидаги, шунингдек, Амир Тему́р шахси ҳамда меросига бағишланган шеър ва қўшиқлар тadbир шуқуҳини янада оширди.



Мудофаа вазирлиги тизимидаги “Фаҳрий қоровул” бўлинмаси ҳамда жанговар гуруҳнинг кўргазмали чиқишлари намойиш қилинди.

Жаҳонгир Амир Тему́р ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тантанали тadbирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

Улуғ Соҳибқирон таваллудига бағишланган тантаналар пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи Давлат музейидаги йирик халқаро анжуман, шунингдек, ўқувчилар учун экскурсиялар, ижодий танлов ва викториналар билан давом этди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).



Чавандозлар голиблик учун курашди

Тошкент шаҳрида конкур бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вилоятларидан ташриф буроган чавандозлар голиблик учун баҳс олиб борди.



Беллашувлар якунига кўра, Баҳромжон Фозиев, Хуршид Алимжонов, Алишер Эркинов, Бекзод Қурбонов, Нуржан Туякбаев, Ашрафхон Неъматов турли йўналишларда чемпионлиқни кўлга киритди.

Мусобақа голибларини тақдирлаш маросимида Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Пергабриел Папади де Боттини иштирок этиб, мамлакатларнинг мазкур спорт туридаги ҳамкорлиги янги даражага кўтарилаётганини таъкидлади.

Кикбоксинг: ҳамюртларимиз жаҳон кубоги шоҳсупасида

Айни пайтда Таиландда кикбоксинг бўйича жаҳон кубоги мусобақаси ўтказилмоқда. Дунёнинг қирқдан ортиқ давлатларидан борган 630 нафар спортчи орасида мамлакатимиз терма жамоаси аззолари ҳам қатнашляпти.

Эътиборлиси, мазкур чемпионатда ҳамюртимиз Хушрида Жалилова 60 килограммга вазн тоифасида олтин медални кўлга киритди. Шунингдек, ўз вазни ва турли йўналишларда Самир Бобуров ҳамда Мансур Раупов олтин, Бегзод Ибрагимов, Иброҳим Баҳодиров кумуш, Сардор Акбаров, Шохмурод Шоқаюмов, Ёдгор Дилбеклов бронза медали билан тақдирланди.

9 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 3 та олтин, 2 та кумуш ва 4 та бронза медаллари шодаси билан иккинчи поғонада боряпти.



Гандбол: Осиё чемпионатига қуръа ташланди

Пойтахтимиздаги Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида шу йилнинг 20 — 29 август кўнлари Тошкентда “U-20” қизлар жамоалари ўртасида ташкил этиладиган XVII Осиё чемпионатига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.



Осиё гандбол федерацияси тadbирлар ўтказиш координатор-менеджери Марван Абу Ҳамза, шунингдек, мамлакатимиздаги тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этган маросим давомида “А” ҳамда “В” гуруҳидан жой оладиган жамоалар номи аниқланди.

Қуръага кўра “А” гуруҳидан Ўзбекистон, Хитой, Хитой Тайпейи, Гонконг, Ҳиндистон терма жамоалари жой олган бўлса, “В” гуруҳида Жанубий Корея, Япония, Эрон, Қозогистон, Қирғизистон вакиллари баҳс юритадиган бўлди.

«Халқ сўзи».

Мақсад – илмий салоҳиятни рағбатлантириш

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ташкил этилганининг 90 йиллигига бағишлаб тантанали маросим ўтказилди.

Анжуман

Тadbир доирасида эса “Глобаллашув шароитида ихтисослаштирилган олий таълим ва илм-фанни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги халқаро анжуман ўз ишини бошлади.

Тантанали маросимда илм-фан

соҳаси фидойилари, олимлар, қатор давлатлар элчилари, хорижлик меҳмонлар ва ҳамкорлар қатнашди.

Университет муҳандислик, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, маркетинг ва бошқа соҳаларда етакчи дастурлар билан та-

нилган тадқиқот муассасаси сифатида эътироф этиб келинмоқда.

— Президентимизнинг саяёҳаракатлари билан бугун олийгоҳимиз тарихида янги бошқик бошланди, — дейди “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ректори Баҳодир Мирзаев. —

Бу ерда замонавий, илгор кадрлар тайёрлаш, халқаро стандартларга мос келувчи таълим дастурлари, илмий тадқиқотларнинг

сифатини оширишга эътибор қаратялмиш. Илмий салоҳиятни янги даражага кўтариш, халқаро миқёсдаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва талабаларга юқори сифатли таълим беришни таъминлаш келгусида ҳам асосий мезон бўлиб қолади.

Анжуманда университет Марказий Осиё ва бошқа минтақаларда илмий тадқиқотлар, олий таълим ва эксперт маслаҳат хизматларини кўрсатувчи етакчи илмий марказлардан бири экани алоҳида таъкидланди. Мазкур муассаса бити-

рувчилари нафақат Ўзбекистонда, балки Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Шарқий Европа каби бошқа минтақаларда ҳам турли соҳаларда фаолият юритиб, мамлакат ва минтақанинг барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшаётгани эътироф этилди.

Анжуманнинг иккинчи кунида глобаллашув шароитида ихтисослаштирилган олий таълим ва илм-фанни ривожлантириш муаммолари билан истиқболлари юзасидан 7 та параллел секция фаолият олиб бориши кўзда тутилган.

Норига ЮНУСОВА
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА



Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Тему́р шоҳқўчаси, 101-уй.

Электрон почта манзиллари: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2025 йил 30 апрель, соат 11:00. Тошкент шаҳри, Амир Тему́р шоҳқўчаси, 101-уй.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2025 йил 24 апрель.

Кун тартибига киритилган масалалар:

- “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
- Акциядорлик жамиятининг айрим активларини давлат бошқаруви органларига ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига бериш масаласини кўриб чиқиш;
- Акциядорлик жамиятининг устав капитали камайтирилишини тасдиқлаш;
- “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти акцияларининг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги илгари рўйхатдан ўтган қарорга киритиладиган ўзгартиришларни тасдиқлаш.

«O'ZBEKGIDROENERGO» AJ
Komplayens nazorat va korrupsiyaga qarshi kurashish bo'limi boshlig'i lavozimiga tanlov e'lon qiladi

Tanlovda ishtirok etish uchun nomzodlar quyidagi hujjatlarni ilova qilgan holda takliflarini yuborishlari so'raladi:

- ariza;
- shaxsi bo'yicha ma'lumotnoma (rezyume);
- passport yoki ID karta nusxalari;
- diplom va reyting bo'yicha ilovasi nusxalari;
- mehnat daftarchasidan elektron ko'chirma ("YAMMT" IDAKDn).

Nomzodlarga quyidagi talablar qo'yiladi:

- tanlovda yurisprudensiya, iqtisodiyot, moliya, soliq va audit yo'nalishlarida oliy ma'lumotli, mutaxassislik bo'yicha kamida besh yil ish stajiga ega bo'lishi;
- hech bo'lmaganda bitta xorijiy tilni mukammal bilishi (rus yoki ingliz tillari);
- korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida xalqaro standartlar yuzasidan bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishi;
- O'zbekiston Respublikasida komplayens nazorat tizimini tartibga soluvchi qonunchilik asoslaridan xabardor bo'lishi;
- oxirgi 5 yilning kamida ikki yilida davlat ishtirokidagi idoralar va tashkilotlarda komplayens nazorat tizimida amaliy (shu jumladan, o'rindoshlik bo'yicha) ish stajiga ega bo'lishi;
- energetika, energetika obyektlarini qurish sohasida komplayens nazorat tizimida mehnat staji va tajribasiga ega bo'lgan nomzodlarga afzalliklar beriladi;
- ISO 37001:2016 sertifikatiga ega bo'lgan talabgorlarga afzalliklar beriladi;
- korxona faoliyatidagi manfaatlar to'qnashuvini aniqlash, manfaatlar to'qnashuvini minimallashtirish va manfaatlar to'qnashuvi bilan bog'liq munosabatlarni tartibga solish yo'nalishida bilim va ko'nikmalarga ega bo'lish, sohani muvofiqlashtirish yuzasidan ichki normativ hujjatlar ishlab chiqishda rahbarlik qilish;
- korrupsiyaviy xavf-xatarlarni baholay olish, ularning natijalari bo'yicha aniqlangan xavf-xatarlarni kamaytirish

yuzasidan chora-tadbirlar ishlab chiqishda rahbarlik qilish;

- korrupsiyaviy xatti-harakatlarning oldini olish, profilaktika qilish, barvaqt aniqlash, bartaraf qilish yoki korrupsiyaviy harakatlar yuzasidan dastlabki tekshiruv tadbirlarini amalga oshirishda huquqni muhofaza qiluvchi organlar bilan hamkorlik qilishda rahbarlik funksiyasini bajarish;
- korrupsiyaviy xatarlarni boshqarish va tizimdagi boshqarma, bo'limlar hamda boshqa tarkibiy tuzilmalar bilan o'zaro hamkorlik qilish;
- samarali ichki komplayens nazoratni tashkil etish bo'yicha rahbariyatga chora-tadbirlar yuzasidan takliflar kiritish;
- jamoada ishlay olish, ko'p miqdordagi axborotga va tahliliy fikrga ega bo'lishi, diqqatlilik va muloqot qilish, jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan ishlash ko'nikmalariga ega bo'lishi;
- hududlar bo'ylab xizmat safarlariga tayyor bo'lish.

Tanlov "O'zbekgidroenergo" AJ Inson resurslarini boshqarish va rivojlantirish boshqarmasining ishga qabul qilish bo'yicha tanlov komissiyasi tomonidan Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi bilan hamkorlikda nomzodlarning malaka talablarini baholash, test, suhbatdan o'tkazish, shuningdek, nomzodlarning shaxsiy va axloqiy, kasbiy, ma'naviy va ishchanlik sifatlarini baholash orqali o'tkaziladi.

Tanlovda ishtirok etish uchun nomzodlar hujjatlarni kadr@uzgidro.uz elektron manzili orqali yoki Inson resurslarini boshqarish va rivojlantirish boshqarmasiga to'g'ridan to'g'ri ariza topshirishlari lozim.

To'ldirilishi va topshirilishi lozim bo'lgan hujjat ilovasining elektron nusxasi.

Hujjatlarni qabul qilish muddati 2025-yil 9-apreldan 16-aprelgacha (soat 23:59 ga qadar).

Manzil: 100011, Toshkent sh., Shayxontohur tumani, Navoiy ko'chasi, 22-uy.

Murojaat uchun telefon: 55-512-13-86 (ichki — 424)

Ўзбекистондаги мегалойиҳа экспозициясида кўзойнақлар орқали виртуал саёҳат қилиш имконияти яратилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Наиш индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 529 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетаник ҳақиқатни маълумотларни юқла олиш учун QR-коддин телефоннинг орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопийбат 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахририятга келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетаниннг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетаниннг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6